O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

# O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2010-yil • 13-fevral • Shanba • 19 (30.139) • (Tel. Faks) 233-21-43 • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz www.uzbekistonovozi.uz

## ТАШРИФ НИҲОЯСИГА ЕТДИ. ҲАМКОРЛИК ДАВОМ ЭТАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 10-12 февраль кунлари давлат ташрифи билан Корея Республикасида бўлди**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Корея Республикасига давлат ташрифининг учинчи куни «Korean Air» компанияси раиси Чо Янг Хони қабул қилди.

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасини барпо этиш ва «Навоий» қитъалараро интермодал логистика марказини ривожлантиришда «Korean Air» компанияси фаол иштирок этмоқда. Хусусан, 2009 йилда мазкур компания «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясига лизинг асосида иккита юк самолёти тақдим этди. Ҳозир бу самолётлар логистика марказига хизмат қилмоқда.

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида айни пайтда умумий қиймати 187 миллион АҚШ долларига тенг 19 лойиҳа амалга оширилмоқда. Бевосита ишлаб чиқариш билан боғлиқ 16 лойиҳа 2010 йилнинг иккинчи ярмида якунига етади — кимё, нефть кимёси, электротехника, машинасозлик, фармацевтика ва бошқа соҳаларда фаолият юритадиган корхоналар ишга тушади.

Бу ерда махсус техника учун гараж, ўқув маркази, автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш станцияси, ёнғинга қарши депо, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари омбори қурилди, темир йўл тортилди. Айни пайтда юк терминали барпо этилмоқда. Буларнинг барчаси марказни ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади. Келгусида у ерда йилига 300 минг тонна юк қайта ишланади.

Ҳозир Навоий шаҳри аэропортидан Милан, Брюссель, Бангкок, Деҳли, Мумбайга мунтазам самолёт қатнови йўлга қўйилган. Франкфурт, Дубай, Истанбул, Тель-Авивга рейсларни ташкил қилиш режалаштирилмоқда.

Ишлаб чиқариш билан бир қаторда, ижтимоий инфратузилма ҳам ривожланмоқда. Хусусан, «Korean Air» компанияси билан ҳамкорликда 9000 кишига мўлжалланган турар-жой мажмуи барпо этилмоқда. Мажмуа соғлиқни сақлаш, таълим муассасалари, спорт иншоотлари ва дам олиш масканларига эга бўлади.

Суҳбат чоғида икки мамлакат авиакомпаниялари ҳамкорлигини, жумладан, «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ва логистика марказини ривожлантириш борасидаги алоқаларга оид масалалар муҳокама қилинди.

Мамлакатимиз раҳбари Корея Республикаси стратегия ва молия вазири Ю Жин Хённи ҳам қабул қилди.

(Давоми 2-бетда)

Фракция фаолияти

## Ижтимоий масалалар

самарали ҳал этилиши учун курашиш, ҳимоя ва қўллаб-қувватлашга муҳтож кишиларни ташвишга солаётган муаммоларни ечишга қаратилган қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ташаббуси билан чиқиш Ўзбекистон ХДПдан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутатларнинг асосий вазифаларидан биридир



Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Президентимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида илгари сурилган ғоялар, кўтарилган долзарб масалалар ижросини таъминлаш юзасидан фракция аъзоларининг вазифалари муҳокама қилинди.

Мавзу юзасидан фикр юритар экан, фракция раҳбари Улуғбек Вафоев давлатимиз раҳбарининг қўшма мажлисда сиёсий партияларнинг парламентдаги фракциялари ишига берган холисона баҳоси, билдирилган танқидий фикрлардан тўғри хулоса чиқариб олиш лозимлигини алоҳида таъкидлади.

— Икки палатали этиб шакллантирилганидан сўнг, ўтган давр мобайнида парламентимиз жуда катта тажриба тўплади, — деди у. — Шу билан бирга, фаолиятимиз давомида кўпгина камчиликларга ҳам йўл қўйдик. Айрим масалалар эса эътиборимиздан четда қолди.

**«Бугунги кунда эл-юртимиз ўзи сайлаган депутатлар ва сенаторларга, ислоҳотлар тақдири учун масъул бўлган барча-барча инсонларга катта умид ва ишонч билан қарамоқда. Бундай юксак ишончни оқлаш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир».** Мамлакатимиз раҳбарининг ушбу фикрларига алоҳида эътибор қаратишингизни сўрайман. Бу бежизга айтилмаган. Чуқурроқ мулоҳаза юритадиган бўлсак, электоратимиз вакиллари бўлган аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатлами манфаатларини ҳимоялаш, муаммоларини ҳал қилишда ташаббускорликни кескин ошириш зарурати янада кучайганини англаб етиш қийин эмас. Чунки одамларимизнинг ҳаёт даражасини янада юксалтириш, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳалардаги бошқа кўплаб вазифаларга ижобий ечим топишга амалий ҳисса қўшиш халқнинг юксак ишончига сазовор бўлган депутатларимиз зиммасига катта масъулият юклайди. Ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, изчил амалга ошириш учун қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан ҳар биримиз оқилона фойдаланишимиз муҳим аҳамиятга эга.

2-бет >>

### Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



2

### Қочоқлар лагери ёпилди



3

### Уч миллиард мухлис томоша қилади



4

*2010 йилда мамлакатимизда муҳим стратегик лойиҳаларни амалга ошириш учун 3 миллиард АҚШ долларидан зиёд ёки ўтган йилга нисбатан 30 фоиз кўп хорижий инвестициялар жалб қилиниши режалаштирилган.*



### Кобулда Мирзо Улуғбек боғи

3-бет

***Бобурда ҳам бировнинг ҳақига хиёнат қилмаслик, унинг ризолигисиз бирон нарсасига тегмаслик одати бўлган. Бобур Афғонистонда ҳукмронлик қилган пайтида Исталиф деган жойни сайр қилиб юриб, бир боғга кўзи тушади ва бу боғ тарихини суриштирганида амакиси Улуғбек Мирзонинг боғи бўлиб чиқади. Бобур юрт ҳукмдори сифатида бемалол темурийларга тааллуқли бўлган бу масканни тортиб олиши ҳам мумкин бўлган, бироқ у бу боғга ўз қийматидан анча юқори ҳақ бериб, эгасини рози қилиб, кейин ўз мулкига айлантирганлигининг ўзи ҳам юксак ҳиммат мисолидир.: «Бу кентда Боғи Калон отлиғ Улуғбек Мирзонинг бир мансуб боғи бор эди. Мен эгаларига баҳо бериб олдим».***

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

Ўз мухбирларимиз хабар қилади

### Янги корхона ишга тушди

Бухоро шаҳридаги «Шаҳбоз Шаҳром» хусусий фирмаси гилам ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган полипропилен ип калавасини шу кунгача Туркия ва Эрондан сотиб оларди. Энди бунга ҳожат қолмади. Чунки фирманинг Когон туманидаги Туткунда қишлоғида ана шундай хомашё ишлаб чиқарадиган корхонаси фаолият кўрсата бошлади.

Фирма директорининг ташқи алоқалар бўйича ўринбосари Мизроб Очиловнинг таъкидлашича, мазкур корхона йилига 3 минг тоннагача гиламбоп сунъий ип-калава тайёрлаш қувватига эга. Маҳсулот сифати жиҳатидан хорижникидан қолишмайди. У фирма эҳтиёжини қоплаб қолмай, турдош корхоналарни ҳам таъминлай олади.

Яна бир жиҳат. Ҳозир корхонада 35 нафар қишлоқ ёшлари меҳнат қиляпти. Яқинда яна иккита янги линия ишга туширилади. Бу эса гиламларнинг янги турларини ишлаб чиқариш имкониятини юзага келтиради, шу билан бирга, ишчи ўринлари икки бараварга кенгаяди.

**Даврон БАҲРОНОВ**

### Тез тиббий ёрдам маскани

Андижон вилоятида аҳолига сифатли ва самарали тиббий хизмат кўрсатишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Айни кунларда Избоскан туманининг Мойгир қишлоғида янги тез тиббий ёрдам маскани фаолият кўрсата бошлади.

Эндиликда ўн минг нафар мойгирлик аҳоли тиббий ёрдам учун туман марказига қатнашига зарурат қолмади. Тез тиббий ёрдам муассасасида беш нафар малакали врач, саккиз нафар ҳамшира, фельдшер кечаю кундуз аҳоли саломатлиги муҳофазаси учун хизмат қилади.

**Аҳмадилло СОЛИЕВ**

### Болаларга хайрия ёрдами

«Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси Самарқанд вилоят бўлими томонидан ўтказилган «Ёрдамга қўлингни чўз» деб номланган хайрия тадбирида асосан имконияти чекланган болаларга зарур бўлган эшитиш мосламалари топширилди.

— Бундай тадбирлар ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилади, — дейди жамғарманинг вилоят бўлими раиси Раҳима Раҳмонова. — Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган мосламалар болажонларнинг тенгқурлари қаторида ўқиб, изланишлари учун имкониятлар яратиб беради.

**Абдували ХУДОЁРОВ**

### Кўзда тош борми?

Шу йилнинг бошларида термизлик Гулистон Матумарова кўз оғриғидан шикоят қилиб шифокорга мурожаат қилди. Унинг ўнг кўзида тош бор экан! Аёл зудлик билан жарроҳлик столига ётқизилди. Кўзнинг ички қатламидан 20х18 миллиметр ҳажмдаги тош олинди. Шишасимон қаттиқ жисмнинг оғирлиги 2100 миллиграмм эди...

4-бет



### 13 февралга доир об-ҳаво маълумоти



Дунё бўйлаб

| | | |
|---|---|---|
| Лондон | — | -8°C |
| Париж | — | -10°C |
| Москва | — | -21°C |
| Мадрид | — | -4°C |
| Пекин | — | -7°C |
| Гонконг | — | -6°C |
| Рим | — | -4°C |
| Анқара | — | -2°C |
| Токио | — | -9°C |
| Стокгольм | — | -11°C |
| Претория | — | 15°C |
| Қоҳира | — | 7°C |
| Гавана | — | 4°C |
| Вашингтон | — | -14°C |
| Нью-Йорк | — | -16°C |



Юртимизда

| | | |
|---|---|---|
| Тошкент | — | -5°C |
| Самарқанд | — | -4°C |
| Нукус | — | -9°C |
| Қарши | — | -2°C |
| Урганч | — | -8°C |
| Навоий | — | -4°C |
| Фарғона | — | -3°C |
| Бухоро | — | -4°C |
| Андижон | — | -4°C |
| Наманган | — | -4°C |
| Термиз | — | -1°C |
| Жиззах | — | -6°C |
| Сирдарё | — | -5°C |

# ТАШРИФ НИҲОЯСИГА ЕТДИ. ҲАМКОРЛИК ДАВОМ ЭТАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Кореяга ташриф асносида имзоланган ҳужжатларнинг аксарияти йирик молиявий операцияларни амалга оширишни, лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқишда молиявий маслаҳатлашувларни тақозо қилади. Икки мамлакат вазирлик ва идораларининг, фирма ва компанияларининг ҳамкорлиги муваффақият келтиришини таъминлаш учун молия маҳкамаларининг алоқаларини мустаҳкамлаш, фаолиятини мувофиқлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, Устюрт газ-кимё мажмуи бўйича консорциумни шакллантиришда Жанубий Корея банк-молия муассасалари муҳим ўрин тутганини таъкидлаш жоиз.

Учрашувда Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида банк-молия соҳасидаги алоқаларни янада ривожлантиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Ташриф натижаларининг аҳамияти ҳақида унинг доирасида имзоланган ҳужжатлар, хусусан, Сурғил кони негизида Устюрт газ-кимё мажмуини қуриш ва конни ўзлаштириш лойиҳасини амалга ошириш бўйича сармоявий битимдан келиб чиқиб ҳам етарли хулоса чиқариш мумкин. Унинг молиявий қиймати 3 миллиард АҚШ долларидан ошади.

Масаланинг иқтисодий ва сиёсий жиҳатларидан ташқари, маънавий томонига ҳам эътибор қаратиш жоиз. Аввало, Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг қуйидаги сўзларини келтириш ўринлидир: «Корея Ўзбекистонга ҳар томонлама яқиндир. Корейслар ўзбек халқига, Ўзбекистонга катта ҳурмат билан қарайди. Корея Миллий музейида Ўзбекистон миллий маданияти кўргазмаси ташкил этилганда, кореяликлар унга ҳар қандай кўргазмадан кўра кўпроқ қизиқиш билдирди». «Кўплаб давлатлар глобал инқироздан азият чеккан бир пайтда Ўзбекистон иқтисодий ўсишга эришди, — деб таъкидлади Жанубий Корея Президенти. — Бу ютуқ, албатта, доно раҳбарнинг раҳнамолигида қўлга киритилди. Инқирозга қарши чоралар борасида Ўзбекистон, ўйлайманки, кўплаб мамлакатлар учун ўрнак бўлиши мумкин».

...Президентимиз Ислом Каримовни кутиб олиш маросимида бир гуруҳ болалар ҳам бор эди. Қўлига Ўзбекистон ва Жанубий Корея байроқларини тутган болалар «Ассалому алайкум» деган ўзбекона калом билан Ўзбекистон раҳбарини кутиб олди. Демак, Президент Ислом Каримовнинг ташрифи Кореяда ўзига хос байрам сифатида қабул қилинди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Корея Республикасига давлат ташрифи ҳар томонлама самарали бўлди.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
*Тошкент-Сеул-Тошкент.*

# Ижтимоий масалалар

самарали ҳал этилиши учун курашиш, ҳимоя ва қўллаб-қувватлашга муҳтож кишиларни ташвишга солаётган муаммоларни ечишга қаратилган қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ташаббуси билан чиқиш Ўзбекистон ХДПдан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутатларнинг асосий вазифаларидан биридир

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шунингдек, қонунда кўзда тутилган депутатлик назорати ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга таъсир кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун, аввало, фракция аъзолари ўз сайлов округидаги фаолиятини сезиларли даражада яхшилаши зарур.

Бу орқали қонунлар жойларда қандай ишлаётганини, хўжалик юритиш амалиёти бугун қандай қонунларга муҳтожлигини, сайловчилар қандай муаммоларга дуч келаётгани ва уларни ҳал этиш бўйича яна нималар қилиш зарурлигини аниқлаш мумкин бўлади.

***Янгидан тузилган фракциямиз сифат жиҳатидан янгича сиёсий, ижтимоий-иқтисодий шароитда, давлат ва жамият қурилиши соҳасида мамлакатимиз олдида миқёси ва қамровига кўра улкан вазифалар турган бир пайтда фаолият юритишга киришди. Буни чуқур ҳис қилиб, қуйи палатадаги сиёсий партиялар фракциялари билан рақобатда барча имконият ва кучимизни ғояларимиз, дастурий вазифаларимизни ҳаётга муваффақиятли татбиқ этишга қаратишимиз керак.*** Электоратимиз вакилларини ўйлантираётган социал-иқтисодий муаммоларни янада чуқурроқ ўрганиш ва уларни ҳал этиш биз учун катта сиёсий аҳамиятга эга, керак бўлса, кейинги тақдиримизни ҳал қиладиган масаладир. Шундай экан, умумий гаплардан амалий фаолиятга ўтиш, чуқур ўйланган, муқобил, рақобатдош лойиҳалар ва аниқ мақсадли вазифаларни ўзида мужассам этган дастурларни тақдим этиш, партиямизнинг дастурий мақсадларини амалга оширадиган асосий кучи сифатида фаол иш олиб бориш ҳар биримиздан қатъий талаб этилмоқда.



— Қонун яратувчилик фаолиятини такомиллаштириш бизнинг асосий вазифамиздир, — деди ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси Латиф Ғуломов. — Аввало, мамлакатда кечаётган социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларнинг амалга оширилиши жараёнида вужудга келаётган эҳтиёждан келиб чиқиб қонун яратувчилик ишларининг узоқ муддатга мўлжалланган, чуқур ўйланган дастурини ишлаб чиқиш талаб этилмоқда. ***Қонунчиликдаги бўшлиқларни зудлик билан бартараф этиш, қабул қилинаётган қонунларга уларнинг сўзсиз ижро этилишини таъминлайдиган процессуал механизмларни киритиш зарур.***

Бундан ташқари, назорат-таҳлил фаолиятини яхшилаш чораларини кўришимиз керак. Қонунлар ижроси самарадорлигига сезиларли таъсир кўрсатиш учун парламент сўрови, парламент назорати ва қонунда назарда тутилган бошқа механизмлардан самарали фойдаланиш фақат ўзимизга боғлиқ.

***Қонунчилик палатаси олдида турган ушбу долзарб вазифаларни амалга оширишда биз ташаббускор бўлишимиз керак. Шунингдек, фракциялараро рақобат кучайиб бораётган шароитда ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар манфаатларини самарали ҳимоя қилишга қаратилган ишларимизни ҳам янгича асосда ташкил этиш, бу борада тажрибада ўзини оқлаган технологиялардан фойдаланиш талаб этилмоқда...***

Мажлисда сўзга чиққан Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Нурдинжон Исмоилов, Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси Нодир Жумаев ҳамда бошқа депутатлар Президентимизнинг Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлиси, ўтган ой сўнггида бўлиб ўтган ҳукумат йиғилишидаги маърузаларида тўхталиб ўтган асосий масалалар, белгиланган вазифалар, умуман мамлакатнинг стратегик ривожланиши жараёнида юзага келаётган масалаларни қонуний жиҳатдан бартараф этиш, парламентнинг институционал салоҳиятини ошириш юзасидан мулоҳаза юритдилар.

Фракция йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг 2009 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи муҳокама этилди. Масала юзасидан Омбудсман Сайёра Рашидова маъруза қилди.

***Фракция аъзолари Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил фаолияти йилдан-йилга такомиллашиб бораётганини таъкидладилар. Омбудсманнинг минтақавий вакиллари билан партиямизнинг Жамоатчилик қабулхоналари ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш, Қонунчилик палатасида қонун лойиҳалари кўриб чиқилаётган вақтда улар юзасидан Омбудсманнинг хулосасини олишни ташкил этиш таклифларини билдирдилар. ЎзХДП депутатлари ҳисоботни маъқуллаш ҳақида қарор қабул қилдилар.***

**Беҳзод ШУКУРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**
**Зиёдулла НОРМУРОДОВ олган суратлар.**

12 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери Д.Тошмуҳамедова олиб борди.

# Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Кенгаш аъзолари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» мавзуидаги маърузасидан келиб чиқадиган ўта муҳим устувор йўналишларини муҳокама қилдилар. Мажлисда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган ва илгари сурилган жамиятни янада эркинлаштириш ҳамда демократлаштириш, мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида ислоҳотларни чуқурлаштириш стратегиясига асосланган асосий вазифалари кўриб чиқилди. Фойдаланилмаган резервларни чуқур ва танқидий таҳлил қилиш, камчиликларни бартараф этиш ҳамда янги давр талабларига мувофиқ депутатларнинг жорий ва истиқболдаги вазифаларини аниқ белгилаб олиш муҳимлиги алоҳида уқтирилди.

Таъкидлаб ўтилдики, ҳозирги кунда мамлакатимиз олдида давлат ва жамият қурилиши, иқтисодий ҳамда ижтимоий соҳада миқёси ва теранлиги жиҳатидан улкан вазифалар турибди. Мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида парламентнинг ролини янада кучайтириш, сиёсий партияларнинг фаоллигини ошириш, улар ўртасидаги рақобат курашини кучайтириш масалалари доимо депутатлар диққат марказида бўлиши керак. Қонунчилик палатасидаги турли парламент фракциялари ўртасидаги рақобат қабул қилинаётган қонунлар сифатини оширишга, мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришларда парламентнинг ролини кучайтиришга кўмаклашади. Ғоялар ва дастурлар кураши айнан парламент даражасида бўлиши, бундай кураш орқали ҳар бир сиёсий партия ўз олдига қўйган мақсадларига эришиши лозим.

Партиялар ўртасидаги баҳс-мунозаралар жиддий, профессионал асосда олиб борилиши, теран мазмунга эга бўлиши керак. Худди шу боисдан сиёсий партиялар томонидан ўз сайловчиларини қизиқтирадиган ижтимоий-иқтисодий масалалар янада чуқурроқ ўрганилиши, уларни ҳал этишга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга диққат-эътибор қаратилиши зарур. Ҳар бир партия ёки ҳаракатнинг ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларини акс эттирадиган, чуқур ўйланган таклифларни, шу жумладан муқобил, рақобатбардош лойиҳа ва дастурларни муҳокамага олиб чиқиш пайти келди.

Давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози туфайли юзага келган мураккаб шароитларда иқтисодиётнинг бундан буён ҳам барқарор ривожланишини таъминлаш, уни диверсификация, модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта ускуналаш борасидаги ишларни давом эттириш керак. Минтақамизда ва умуман жаҳонда юзага келаётган мураккаб геосиёсий шароитларда мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлаш, жамиятимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш зарур. Ана шу ва бошқа вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилиши нафақат ўз вақтида сифатли қонунлар қабул қилинишига, балки қонунларнинг кундалик ҳаётда амалга оширилиши, ҳокимиятнинг ижро этувчи органлари фаолияти устидан доимий парламент назорати ўрнатилишига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятининг дастурини ишлаб чиқишда, Қонунчилик палатаси қўмиталари ва сиёсий партиялар фракцияларининг иш режаларини шакллантиришда давлатимиз раҳбари томонидан парламент қўшма мажлисида илгари сурилган устуворликлар ва вазифаларни асос қилиб олиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалари тўғрисидаги мазкур масала Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида кўриб чиқилади.

Кенгаш аъзолари Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (Омбудсман) 2009 йилдаги фаолиятига доир ҳисоботни ҳам кўриб чиқдилар. Таъкидландики, ҳисобот даврида Омбудсман фаолияти инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари, халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштиришга қаратилди. Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, қонун лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, миллий қонун ҳужжатларини халқаро ҳуқуқуй нормалар ва принципларга мувофиқлаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш бўйича талай ишлар амалга оширилди.

Кенгаш аъзолари Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг 2009 йилдаги фаолиятига доир ҳисоботни маъқулладилар. Мазкур ҳисобот ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида муҳокама қилинади.

Кенгаш мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг самарали ишлашини ташкил этиш билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

**(ЎзА)**

# Электр энергияси таъминотидаги ижобий ўзгаришлар

Бугунги ҳаётимизни электр энергиясиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу мўъжизавий неъмат хонадонларимизни чароғон этишдан тортиб маиший хизмат бўладими, ишлаб чиқаришми, барча-барча соҳада доимо асқотади. Кейинги йилларда қишлоқ жойларида ҳам электр энергиясига бўлган талаб ошиб бормоқда. Чунки, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, барпо этилаётган катта-кичик корхоналар фаолиятини йўлга қўйиш электр энергияси билан боғлиқ.



Шу боис, юртимизда энергетика тармоғини модернизация қилиш, техника ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш мақсадида электр энергия манбалари қувватини оширишга жиддий эътибор қаратиб келинмоқда. Жумладан, «Самарқандэлектртармоқлари» очиқ акциядорлик жамиятида ҳам бугунги кунда вилоят аҳолисини жамоат ташкилотлари ва турли хил корхоналарни узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

— Биргина ўтган йили, яъни «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурининг ижроси юзасидан жамиятимиз томонидан электр узатиш тармоқларининг 194,31 километри 815,7 млн. сўмга мукаммал таъмирланди. Янги қурилиш бўйича 110 киловольтли «Сувли-Зирабулоқ» электр узатиш тармоғи 2 та линия бўйича (узунлиги 27,15 ҳамда 57,3 километр) 1080,6 млн. сўм эвазига қурилиш ишлари тугатилди. Шунингдек, Ургут-2 16 минг киловольтли ним станциясининг (2848,1 сўм маблағ ҳисобига) 30,8 километри қурилиб октябрь ойида ишга туширилди, — дейди жамият директори Фарҳод Салоҳиддинов.

Бундан ташқари, вилоят аҳолисини электр энергиясига бўлган эҳтиёжини қондириш ва уларга сифатли хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш мақсадида Пахтачи ТЭТга қарашли Ҳайит Элбеги, Оқдарё ТЭТга қарашли Бошдархон ҳамда Янги Равот маҳаллаларидаги эскириб, яроқсиз аҳволга келиб қолган электр токи симлари янгисига алмаштирилди. Пайариқ туманидаги Ғойиб ота, Самарқанд шаҳридаги Эски Хазора, Мустақиллик ҳамда Боғишамол маҳаллаларидаги камқувватли трансформаторлар ўрнига янада кувватли бўлган трансформаторлар ўрнатилди. Ургут туманидаги Вағашти, Пастдарғом туманидаги Зангибой маҳаллаларидаги ҳамда Самарқанд шаҳрида «Шарқ тароналари VII» халқаро мусиқа фестивалини кўнгилдагидек ўтказиш ва электр таъминотида камчилик бўлмаслигини олдини олиш учун Бўстонсарой, Шоҳруҳ, Фарҳод, Боғибаланд ва Регистон кўчаларига янгидан трансформаторлар ўрнатилиб ишга туширилди.

Жамият раҳбарларининг айтишича, аҳолига яратиб берилаётган бундай шароитлар ҳамда кўрсатилаётган сифатли хизматлар туфайли ўтган йили январь ойидан ноябргача вилоятдаги истеъмолчиларга жами 108819,1 млн. сўмлик электр энергия етказиб берилган, шундан аҳоли 50934,0 млн. сўмлик фойдаланган бўлиб, улардан 42036,4 млн. сўм маблағ йиғиб олинди. Жами истеъмолчилардан тушган маблағ эса 106822,2 миллион сўмни ташкил этди. Афсуски, аҳоли ва турли хил ташкилот ҳамда корхоналардаги қарздор истеъмолчилар вақтида электр энергия ҳақини тўламаслик ҳолатлари оз бўлса-да, давом этмоқда. Шу сабабдан жамият қарздорларни электр тизимидан ўчириш учун ҳар бир туман электр тармоқларида махсус бригадалар ташкил қилган. Шунингдек, ўтган йили жойлардаги назоратчилар томонидан қоидани қўпол равишда бузиб, электр энергиядан фойдаланиб келаётган 44552 та истеъмолчига нисбатан далолатнома тузилиб, 9220,1 млн. сўм жамият фойдасига ундирилди.

Жамият ходимлари аҳолини узлуксиз электр энергия билан таъминлаш, истеъмолчилар фойдаланган электр энергияси ҳақини ўз вақтида тўлашига боғлиқлиги, тушаётган маблағ эвазига эҳтиёж қисмларни сотиб олиш имконияти пайдо бўлиши мумкинлиги бўйича жойларда йиғилишлар ташкил қилишиб тушунтириш ишлари олиб бормоқда. Бу тадбирлар ўз самарасини бериб, истеъмолчилар масъулияти ошиб бормоқда. Тўловлар ўз вақтида ундирилганидан биринчи навбатда истеъмолчининг ўзи манфаатдор бўлмоқда. Яъни, аҳоли электр қуввати билан таъминланмоқда, хизмат кўрсатиш сифати ошмоқда.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ**

**14 февраль — Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган кун**



# Бобурнинг мурувват олами

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асарини кўчирган номаълум котиб китоб охирида асар муаллифи ҳақида ўзининг қуйидаги фикрларини баён этган: «Ва маҳолдурким, ул подшоҳи қобилнинг яхшилиғларини айтган билан ва битган билан туганғай. Лекин, мужаммал буким, секкиз сифати асил анинг зотиға муттассил эди: бириси буким, нажҳати баланд эди; иккимчиси, ҳиммати аржуманд эди; учимчиси, вилоят олмоғ; тўртумчиси, вилоят сахламоғ; бешумчиси, маъмурлуғ; олтимчиси, рафоҳият нияти Тенгри таоло бандалариға; еттимчиси, черикни кўнгли(ни) қўлға олмоқ; секкизимчиси, адолат қилмоқ».

Бобурнинг бу саккиз хислатининг тўрттасида инсонларга бўлган меҳр-мурувват, сахийлик ва шафқат ҳақида гап кетмоқда.

Инглиз тарихчиси Эдуард Ҳолден «унинг манглайида юксак фазилатли инсон деб битиб қўйилган», дейди. Шахснинг руҳияти ва характерида мавжуд хусусиятлар ирсият орқали кўпроқ намоён бўлишини аллақачон илм исботлаб берган. Бобурдаги мурувват ва саховандмандлик хислати ҳам отаси Умар Шайх Мирзодан ўтган. Бобур назарида Умар Шайх яхши саркарда, давлат арбоби бўлмаса ҳам, пок сийратли мусулмон, бировнинг ҳақига хиёнат этмайдиган, саховатпеша шахс бўлган.

Бобур яшаган даврда ҳам маҳаллийчилик, уруғ-аймоғчилик иллатлари анча жиддий тус олган. Шуни назарда тутган Бобур ўзининг давлат бошқарувида имкон қадар бу борада зиддиятлар келиб чиқмаслигининг олдини олишга интилган. Аммо, ҳамма вақт ҳам бунга эриша олмаган чоғи, афсус билан қуйидаги сатрларни битган. «Ҳар қачонким, Тангри таоло давлат берди, меҳмон ва ғариб бекларни ва йигитларни бойрилардин ва андижонийлардин ортиқроқ ва яхшироқ кўрдум. Бовужуд, бу ажаб балоедурким, ҳамиша эл мени ғайбат қилурларким, бойридин ва андижонийдин ўзгани риоят қилмас. Масал бордурким «душман не демас, тушга не кирмас». Хулоса ўрнида эса мана бу ҳикматни ҳам келтиради: Шаҳар дарвозасини ёпиб бўлади-ю, душман оғзини ёпиб бўлмайди.

Бобур ўз атрофидагиларни ким бўлишидан қатъи назар қадрлаши, зарур ҳолатда тенг билиб, меҳр-шафқат кўрсатиши Афғонистоннинг Ҳиндукуш тоғларида юз берган қаттиқ қор бўрон пайтида ошиб ўтишида яққол намоён бўлган.

Бобур ўзининг сафдошлари билан Ҳиротдан Кобулга қараб йўлга чиқади. Шунда у садоқатли кишиси Қосимбекнинг қиш пайти тугул, ёзда ҳам ўтиш мушкул бўлган Ҳиндикуш довонидан эмас, Қандаҳор йўлидан бориш таклифини маъқул кўрмайди. Аммо, тоғда қорнинг қалинлиги бир неча метрга етганлиги от билан ҳаракат қилишни ўта қийинлаштиради. Совуқнинг зарби ҳам жуда қаттиқ эдики, Бобурнинг «андоққим, муддатул-умр мунча машаққат камроқ тортилиб эди», дейишидан ҳам буни билиш мумкин. Ана шундай шароитда у ўзининг оддий аскарлари, бек ва бекзодалари билан бу машаққатни баҳам кўради, ўзи қор курайди, совуқнинг шиддатига қарамасдан турли машаққатларга дуч келса-да, ҳамсафлари қатори совуқда тонг оттиради. У ёзади: «Ушбу дастур била биз ўн-ўн беш-йигирма кишининг отлари ўқ илгари тортилди, ўзга тамом ўбдон-ўбдон йигитлар ва бек отонғонлар отларидан ҳам тушмай, тайёр тепилган ва босилғон йўлға кириб, бошларин қуйи солиб келурлар эди. **Маҳал ул эмас эдиким, кишиға таклиф ва зўре қилилғай, ҳар кимнинг ҳиммат ва журъати бўлса, бундоқ ишларни ўзи тилаб қилур».**

Ҳиммат, мурувват, саховат, шафқат каби тушунчаларни кишида, ҳаётнинг ўзи тарбиялайди, уларни такомилга етишига ўз таъсирини кўрсатади. Бобурнинг Афғонистондаги ҳокимияти даврида ерлик халқлардан ҳазора, пуштунлар унга бўйсунавермаганлар, улар Бобурнинг лашкарларига ҳужум уюштирганлар, бож тўлашдан бош тортганлар. Бобур кўпинча уларнинг баъзи бирларига оғир жазо бериб, сиёсатини юргизган. Бироқ, юқоридаги қор кўчиш «ҳаёт дарси» мурувват ва шафқат бобида Бобурга ҳам, унинг атрофидагиларга ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмаган.

Қор кўчиши тугаб, Бобур ва сафдошлари Кобул йўлида ҳазораларга дуч келиб, уларни асир олади. Вазири Қосимбекнинг эса маҳкумларга раҳми келиб, уларни озод этишни сўрайди. Бобур эса Қосимбекнинг бу таклифини унча хуш кўрмайди. Бироқ «ўн тўрт-ўн беш саркаш»ларнигина эмас, балки барча асирларни қўйиб юборишга буюради.

Бобурнинг одам зотига мурувват ва шафқати шунчалик кенгки, унинг сарҳадини белгилаш амри маҳол. Айниқса дилбар шоирнинг ота сифатида ўз фарзандлари, фарзанд сифатида ота-онаси, саркарда сифатида ўз лашкари, беклари, оддий фуқароси, ҳатто шоҳ сифатида ўз душманларига кўрсатган муруввати бу бағри кенг инсоннинг юксак одамийлигидан далолат беради.

«Бобурнома»да ёзилишича Бобур Ҳиндистондаги жангларда катта хазинани қўлга киритади. Ва уни яқинлари, тарафдорлари қатори душманларига ҳам тақсимлагани кишини ҳайратга солади.

Ана шундай инъомнинг катта миқдорига Иброҳим Лўдий мағлуб этилгандан сўнг унинг отаси мушарраф бўлган. Бобур шу қатори унга қарши курашган ҳинд рожалари, сарой аҳлига ҳам инъомлар берар экан, «аларнинг муддаосидек иноят ва шафқат қилиб, жамиъ жиҳотларини ўзларига-ўқ маоф туттук» дейди. Бобурнинг ушбу сўзларига эътибор беринг! Ҳатто душманининг муддаоларини инобатга олиб, барча шароитни ўрганиб, барча мулкларини ўзларига қолдирган. Яна Бобур ёзади: «Иброҳимнинг отасига етти лаклик ( етти юз минглик) паргана нақд иноят бўлди. Бекларига ҳам ҳар қайсиға парганалар берилди. Иброҳимнинг отасини байрилари билан чиқариб, Аградан бир куруҳ сув қуйи юрт берилди».

> «Бобурнома»да ёзилишича, Бобур Ҳиндистондаги жангларда катта хазинани қўлга киритади. Ва уни яқинлари, тарафдорлари қатори душманларига ҳам тақсимлагани кишини ҳайратга солади.

Фақат бугина эмас. Бобур Иброҳим Лўдийнинг онасига ҳам юксак меҳрибонлик ва ғамхўрлик кўрсатади, унга ўз саройидан катта жой ажратади, ҳисобсиз маблағ, хизматкорлар тайинлайди.

Бобур меҳр-шафқатига акс жавоб берганлар ўз қариндош-уруғлари, бек ва зобитлари орасида кўп бўлган. Улардан бири Боқи Чағониёнийдир. Бобур унга кўп кўмаклар беради. Ёмон йўлдан қайтаришга уринади. Аммо Боқи Чағониёнийдаги очкўзлик, шафқатсизлик, молмулкка ўчлик Бобурнинг барча интилишларини барбод қилади. «...Бовужудким, мени подшоҳ кўтариб эди ноқорасини ўзининг эшигида чолдурур эди. Ҳеч ким била соф эмас эди. Кобулнинг ҳосиликим, бор тамғадиндур, тамғани олиб ва Кобулнинг доруғали ва Панжшер ва Кадий Ҳазора ва Кўшкак ва эшик ихтиёри тамом анда эди. Бовужудким, не навъ фосид хаёллар қилиб эди...»

Боқи Чағониёний қанчалик Бобурга нисбатан душманликда бўлмасин, Бобур унинг барча гуноҳларини кечиради, «кўч ва моли билан Ҳиндистон томонға рухсат берилди» дейди. Бобур бундай шахсларни ҳамиша Аллоҳга топширади, уларнинг жазосини худодан ўзга беролмаслигини таъкидлайди: «Ёр Ҳусайн Дарёхон... Боқи билан борғонларни ариқ олди. Боқини ўлтуруб хотунини олди. Агарчи биз Боқиға ёмонлиқ қилмай қўя бердук, вале ўз ёмонлиги олиға келиб, ўз амалиға гирифтор бўлди».

Ҳиндистонни тасарруфига киритган Бобур ҳинд рожаси Ғозихонга кўп мурувват кўрсатади. Аммо, бунинг эвазига Ғозихон икки қўлига икки қилич олиб, бўйнига яна икки қилич осиб Бобурга қарши курашга киради. Бобур уни мағлуб этар экан, ўз ҳузурига чақиради ва суҳбат қилади. Суҳбат асносида биз раҳмдил Бобурни кўрамиз. «Илгари ўлтурғузуб, бир ҳиндустоний билур кишига буюрдимким, бу сўзларни бирор-бирор анга хотирнишон қила айтқил, мундоқ дегилким, мен сени ота дедим, таъзим ва эҳтиромингни ул тариққим, сенинг хотиринг тилар эди, андин яхшироқ килдим. Ўзунгни ва ўғлонларингни, балужларнинг дарбадарлиқларидин қутқордим. Хайлхоналарингизни ва ҳарамларингизни Иброҳимнинг бандихоналаридин халос қилдим. Уч карур Татархоннинг вилоятини санга иноят қилдим. Сенинг ҳаққингда ёмон бордуммиким, тўшунг била белингга икки қилич боғлаб, черик тортиб, бизнинг вилоятларнинг устига келиб, мундоқ шўр ва фитна солубсен». Унинг ишонч ва меҳрига ҳамиша ҳам яхшилик билан жавоб қайтмаганлиги жуда кўп мисолларда намоён бўлади.

Заҳириддин Бобурнинг меҳр ва муруввати, инсонларга кўрсатган ёрдамидан жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Мақола имконияти бунга йўл бермаслиги боис, шуни таъкидламоқчимизки, бу инсоннинг меҳр-шафқати фақатгина одамларга берган инъом ва мурувватида кўринмайди. Бобур томонидан Мовароуннаҳр, Хуросон айниқса Ҳиндистонда қурилган беҳисоб иморатлар ва иншоотлар, мадраса, масжид, ҳаммом, саройлар, боғ-роғлар ҳамон элга хизмат қилмоқда. Бобур том маънодаги саховатпеша, бунёдкор, яратувчи инсон бўлган. Бу ҳақиқатни нафақат унинг дўстлари, баъзан эса ҳатто душманлари ҳам тан олишга мажбур бўлганлар.

**Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ,**
**филология фанлари доктори, профессор.**

# Ибрат йўли

**Фанимиз фидойилари**

7 монография, 25 ихтиро ва 460 дан ортиқ илмий асарлар яратган Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, академик Талъат Соатов фаолияти ҳақида

Домла ўтган асрнинг 60-йилларида илмий фаолиятини қалқонсимон без оқсилларини ўрганишдан бошлади. 1966 йилда шу мавзуда номзодлик, 1974 йилда эса докторлик диссертацияларини ҳимоя қилди. 40 ёшидаёқ профессорлик унвонига сазовор бўлди. 1985 йили циклик нуклеотидларга бағишланган туркум ишлари учун Беруний номидаги давлат мукофотига сазовор бўлди. Шунингдек, олим узоқ йиллардан буён ЎзРФА Биокимё институтига раҳбарлик қилиб келмоқда.



Академик Талъат Соатов бутун ҳаётини илм-фанга бахшида этиб келаётган заҳматкаш олимларимиздан биридир. Қарийб ярим асрдан буён у фанимиз, хусусан мамлакатимизда нисбатан ҳали ёш бўлган биокимё, шунингдек, биология ва тиббиёт соҳаси тараққиётига ўзининг фундаментал тадқиқотлари билан ҳисса қўшиб келмоқда.

Талъат Соатовнинг босиб ўтган машаққатли, бироқ сермазмун ҳаёт йўлининг моҳиятини теранроқ англашимиз учун биокимё фани ва унинг мамлакатимиздаги ривожи ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчимиз.

Биокимё — биология ва кимё оралиғидаги фан бўлиб тирик организмларнинг кимёвий жараёнларини ўрганади. Бугунги кунда назарий ва методик жиҳатдан юксак даражага кўтарилган замонавий биокимёнинг асосий вазифаси биологик жараёнларни организмдан ташқарида яратиш, ирсий, иммунотанглик, вирус ва рак касалликларини даволаш, биотехнология ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сифатини яхшилаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг назарий асосларини яратиш билан боғлиқ.

Ушбу соҳага оид дастлабки тадқиқотлар юртимизда 1920 йиллар охирларида айрим қон касалликларида қон таркибида содир бўладиган биокимёвий ўзгаришларни ўрганишдан бошланди.

Бироқ, мазкур фаннинг том маънодаги тараққиёти XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб гармонлар биокимёси, ҳужайра метаболизми, организмда липид алмашинуви, биотоксинлар таркиби ва таъсирини ўрганиш борасида қилинган ишларда намоён бўлди.

Талъат Соатов қалқонсимон без таркибидан 2 та йод сақловчи оқсил — тиреглобулин ва тиреоальбуминларни тоза ҳолда ажратиб олиб, йодпротеинларнинг физик-кимёвий хусусиятлари, таркиби ҳамда тиреоид гармонларнинг синтезидаги алоҳида аҳамиятини тадқиқ қилди. Ушбу илмий изланишларининг натижасида фанда илк бор хавфли бўқоқ касаллиги пайдо бўлишининг генетик нососликлар билан боғлиқлиги ҳақидаги гипотезани илгари сурди.

Ҳозир Биокимё институти республикада ҳайвонлар биокимёсини ўрганиш соҳасида ҳам ягона илмий марказ ҳисобланади. Бу ерда гармонлар, микроб, оқсил, ҳужайра ва молекуляр биология, биологик мембраналар таркиби ҳамда радиацион биокимё соҳасида илмий текширишлар олиб борилади. Бу борада ҳам домла ўзининг юксак интеллектуал салоҳиятга эга эканлигини кўрсатди. Хусусан, у мембрана липидларининг гармонлар таъсир механизмидаги муҳим ўрнини ўрганувчи янги илмий йўналишга асос солди. Бундан ташқари, ўзи бошқараётган илмий мактаб билан липидларнинг структураси, функцияси ҳамда уларнинг ҳужайра метаболизмини бошқаришдаги ролини ўрганди. Талъат Соатов ва унинг шогирдлари биринчилардан бўлиб плазматик мембраналарда тироксиннинг рецепторлари мавжудлигини ва ушбу рецепторлар фаолиятининг аденилатциклаза тизими билан бевосита боғлиқлигини исбот қилди.

Домланинг йирик илмий кашфиётларидан яна бири — органотропик липосомаларни яратиш ва уларни нишон органларга бевосита йўналтириш услубидир. Бу эса биотехнология, мембрана ва ген муҳандислигини ривожлантиришда, дори-дармонларни организмнинг айнан белгиланган органида тўплашда самарали воситага айланди.

Академик Талъат Соатов инсулиннинг таъсир механизмини ўрганиш ва қандли диабет пайдо бўлишининг молекуляр асосларини тушунтириш ишига ҳам ўз ҳиссасини қўшди. Чунончи, ушбу фундаментал тадқиқотлар натижасида организмнинг инсулинга сезгирлигини аниқлаб берувчи тезкор усул ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ қилинди.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда бутун дунё биохимик олимларининг диққат маркази Ерда ҳаётнинг келиб чиқиши, ҳайвон ва ўсимлик турларининг пайдо бўлиши, ирсий вирус, саратон-рак касалликларининг олдини олиш ҳамда даволаш каби оламшумул муаммоларни ҳал этиш борасида чуқур тадқиқотлар олиб боришга қаратилган.

Айниқса, рак хужайралари ўлими индукторларини излаш ва уларнинг таъсир механизмларини ўрганиш, юқорида таъкидлаганимиздек, биология ҳамда тиббиёт фанларининг энг долзарб масалаларидан биридир. Айнан мана шу муаммони ҳал қилишни Талъат Соатов ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Хусусан, сўнгги йилларда домла юртимиз учун бутунлай янги бўлган илмий йўналиш — ҳужайраларнинг генетик программалаштирилган ўлими (апоптоз) жараёнини ўрганиш устида самарали тадқиқотлар олиб бормоқда.

> **Сўнгги йилларда домла юртимиз учун бутунлай янги бўлган илмий йўналиш — ҳужайраларнинг генетик программалаштирилган ўлими (апоптоз) жараёнини ўрганиш устида самарали тадқиқотлар олиб бормоқда.**

Ҳозир Талъат Соатов кўплаб нуфузли халқаро анжуманларда мунтазам иштирок этиб келмоқда. Аҳамиятли томони, уларда домла нафақат ўзбек, балки рус ва инглиз тилларида ҳам мукаммал илмий маърузалар қилиб, жаҳон олимларини мамлакатимиз биокимё фани ютуқлари билан таништирмоқда.

Бундан ташқари, заҳматкаш олим кадрлар тайёрлаш ишларига хам алоҳида эътибор қаратмоқда. У 8 нафар фан доктори ва 30 нафар фан номзодларига илмий раҳбарлик қилди.

**Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## Хорижда

Корея Халқ Демократик Республикаси Вазирлар Маҳкамаси раиси Ким Ен Ир 2009 йилнинг ноябрь охири ва декабрь ойи бошида мамлакатда ўтказилган пул ислоҳоти тайёргарликсиз амалга оширилганини ва бу республика халқи ҳаётида бир талай қийинчиликлар туғдираётганини тан олди, дея хабар беради Жанубий Кореянинг «Чосон ильбо» газетаси.

## Мамлакат бош вазири кечирим сўради



Ушбу хабарда ёзилишича, ҳукумат бошлиғи Пхеньянда бўлиб ўтган давлат тизими ходимлари ва қишлоқ хўжалиги фаоллари йиғилишида сўзга чиқиб, республика халқидан мазкур ноқулайликлар учун кечирим сўраган. Ҳукумат халқнинг барқарор ҳаётини таъминлаш учун янгича саъй-ҳаракатлар бошлашини маълум қилди. Жумладан, бозор савдосида жорий этилган чекловлар юмшатилади, хорижий валюта муомаласига яна рухсат берилади.

Айнан пул ислоҳотини ўтказишга масъул бўлган шахс, партиянинг юқори лавозимли корчалони ўтган ҳафта вазифасидан четлатилгани Шимолий Кореяда амалга оширилган пул ислоҳоти самара бермаганлиги ва барбод бўлганини тасдиқлайди.

Пул ислоҳотини ўтказишдан мақсад, дейилади ИТАР-ТАСС ахборотида, бозор иқтисодиёти назоратини кучайтириш, мамлакатда хорижий валюта муомаласига чек қўйиш эди. Аммо бу йўл ўзини оқламади. Мамлакатда пулнинг қадрсизланиши кучайиб кетди, озиқ-овқат қимматлашиб бормоқда. Бу эса республика иқтисодий аҳволининг ёмонлашувига, халқнинг турмуш даражаси пасайиб кетишига олиб келди.

## Собиқ диктатор 30 йилга қамалди

Уругвайнинг собиқ президенти, мамлакатни 1971 йилдан 1976 йилгача бошқарган, айни дамда 81 ёшга тўлган Хуан Мариа Бордаберри суд ҳукмига кўра, 30 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. У Уругвай конституциясига зид равишда диктатура ўрнатганликда, яъни парламентни тарқатиб юбориб, сиёсий партиялар, жумладан, мухолиф партиялар фаолиятини тақиқлаганликда ва ўзига мухолиф кучларни йўқ қилганликда айбланмоқда.



1976 йили у ҳарбийлар томонидан мамлакат бошқарувидан четлатилган.

Уругвайнинг «El Pais» газетаси тарқатган хабарларга қараганда, у 2006 йилдан бери уй қамоғида.

Хуан Мариа Бордаберри узоқ муддатга қамалган ягона давлат бошлиғи эмас. Ўтган йил октябрда Грегорио Альварес ҳам 25 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинган. У 1981 йилдан 1985 йилгача Уругвайни бошқарган. Генерал Альварес ҳам мамлакатда диктатурани кучайтирган.

## Ироқ — Сурия чегарасида қочоқлар лагери ёпилди



БМТ Ироқ — Сурия чегарасидаги иккита лагердан бирини — Фаластин қочоқлари яшаётган ат-Танф лагерини ёпди. Ўта оғир шароитдаги бу лагерда 1300 нафар ироқлик фаластинлар 2006 йилдан буён бир амаллаб кун кечирарди.

БМТ қочоқларнинг минг нафарига Австралия, Швеция ва Чилидан бошпана топди. Қолганларини эса Сурия маъмурияти қабул қилишга рози бўлди.

Бу ҳақда ИТАР-ТАСС ахборот тарқатди.

БМТнинг қочқинлар ишлари бўйича олий комиссариати бошқармаси вакилининг маърузасида қайд этилишича, 2003 йили АҚШ Ироққа ҳарбий қўшин киритгач, минглаб ироқлик фаластин оилалари ўз уйларини ташлаб кетишга мажбур бўлган ва Сурия чегарасида жон сақлаган. Аммо расмий Дамашқ уларнинг Сурия ҳудудига киришига рухсат бермаган. Шундоқ ҳам 1948 йили Исроил давлати ташкил топгач, юз минглаб қочоққа айланган Фаластин оилалари Сурияда яшаётганлигини баён этган.

Ҳозир Ироқ — Сурия чегарасида яна бир Фаластин қочоқлари лагери бор. Ушбу ал-Валид лагерида мингдан ортиқ Фаластин ва 200 дан ортиқ бошқа миллат қочоқлари оғир шароитда кун кечирмоқда.

Ибн Сино номли шаҳар 1-клиник шифохонаси жамоаси Тошкент врачлар малакасини ошириш институти «Урология-нефрология» кафедраси мудири, профессор Асилбек Ғайбуллаевга онаси

**Ўлмасхон ая**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тиббиётда янгилик!

# Кўзда тош бўладими?

Борлиқнинг ранго-ранг жилолари, оламнинг турфа неъматларини кўз билан кўрамиз, тасаввур этамиз. Бир сўз билан айтганда, у беназир жавоҳир ҳисобланади. Истиқлол шарофати билан мамлакатимизда тиббиёт тизими тубдан ўзгарди. Жаҳон талабларига тўлиқ жавоб берадиган замонавий тиббий аппаратларда беморга ташҳис қўйиш, мақсадли даволаш ишлари олиб борилаётир.

Сурхондарёдаги вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида янгиликка қўл урилди. Бу ерда инсон кўзидаги тош жарроҳлик йўли билан олиб ташланди. Уни кўз микрожарроҳлиги бўлими бошлиғи, Ўзбекистон Қаҳрамони Раҳмонқул Муҳаммадиев муваффақиятли амалга оширди.

— Бу дунё, инсон организми сиру синоатларга тўла, — дейди таниқли шифокор. — Одатда, фанга инсон организмининг ошқозон, ўт, буйрагида тош бўлиши маълум. Россиянинг Смоленск ўлкасида одамларнинг ошқозонидан мих, темир, қошиқ дастаси ва бошқа нарсалар жарроҳлик йўли билан олинганини эшитгандим. Уганда фуқаросининг ошқозонидан 10 минг дойч марка чиққанини ўқиганман.

Шу каби ғаройиб ҳодисалар ҳаётда кўп учрайди. Аммо, кўзда тош пайдо бўлишига биринчи марта гувоҳ бўлдим. 41 йиллик иш фаолиятим давомида Америка, Франция, Япония, Корея, Жанубий Африка Республикаси ва дунёнинг бошқа 30 дан ортиқ мамлакатларида бўлганимда ҳам бунга ўхшаш воқеа ҳақида эшитмаганман.

Шу йилнинг бошларида термизлик Гулистон Матумарова кўз оғриғидан шикоят қилиб шифокорга мурожаат қилди. Унинг ўнг кўзида тош бор экан! Аёл зудлик билан жарроҳлик столига ётқизилди. Кўзнинг ички қатламидан 20x18 миллиметр ҳажмдаги тош олинди. Шишасимон қаттиқ жисмнинг оғирлиги 2100 миллиграмм эди...

Мутахассислар кўздаги тош моддалар алмашинуви натижасида ҳосил бўлган, деган хулосага келди. У йиллар давомида каппилляр томирлар орқали йиғилган ва пировардида қаттиқ оғриқ берган. Ярим соат давом этган амалиёт муваффақиятли ўтди.

— 25 йилдан буён қийналардим, — дейди Гулистон Матумарова. — Бугун нурафшон ҳаётни кўряпман. Ўн кун даволандим. Шифокорлардан беҳад миннатдорман.

Шундай қилиб, таниқли кўз шифокори, Ўзбекистон Қаҳрамони Раҳмонқул Муҳаммадиев тиббиёт амалиётида янги саҳифа очди...

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# Уч миллиард мухлис томоша қилади



СПОРТ ↘ СПОРТ

Кеча Канаданинг Ванкувер шаҳрида XXI қишки Олимпия ўйинлари бошланди. Олимпия ўйинларининг тантанали очилиш маросими ўз бағрига эллик беш минг томошабинни сиғдира оладиган «BC Place» стадионида ўтказилди.



Спорт мусобақалари нафақат Ванкуверда, шунингдек, Ричмонд ҳамда Вистлер сингари курорт шаҳарларида ҳам уюштирилади.

Мусобақа ташкилий қўмитасининг маълумоти қараганда, Ванкувер олимпиадасида дунёнинг саксондан зиёд давлатидан 5500 нафар спортчи иштирок этади. Мусобақалар тафсилотларини ёритиш учун ўн мингдан зиёд оммавий ахборот воситалари одимлари аккредитациядан ўтказилган. Дунё бўйлаб баҳсларни ойнаи жаҳон қаршисида уч миллиарддан ортиқ томошабин кузатиб бориши кутилмоқда.

Мазкур қишки Олимпия ўйинларида Ватанимиз спортчилари ҳам иштирок этишади. Жумладан, Анастасия Гимазетдинова муз устида нафис учиш, Ксения Григорьева ҳамда Олег Шамаевлар тоғ чанғиси бўйича ўз омадларини синаб кўришади.

Ванкувер олимпиадасида жами ўн бешта спорт тури: тоғ чанғи спорти, биатлон, бобслей, чанғи пойгаси, кёрлинг, муз устида нафис учиш, фристайл, хоккей, санний спорти, икккураш, шорт-трек, скелетон, тромпалин, сноуборд ва конькида югуриш бўйича медаллар учун кураш бўлиб ўтади.

Эртанги кун — бизники, марра — бизники!



# Қаршининг спорт шаҳарчаси

Бундан 15-20 йил муқаддам юртимизда жисмоний тарбия ва спортга ихтисослашган саноқли билим юрти мавжуд эди. Бугунги кунда Тошкент шаҳри билан бирга, ҳар бир вилоятда замонавий ва халқаро талабларга жавоб берадиган Олимпия захиралари спорт коллежлари фаолият кўрсатмоқда.

— Қарши Олимпия заҳиралари спорт коллежининг ишга тушганига беш йилдан ошди, — дейди коллеж директори Фурқат Раҳмонов. — Ҳозир бу ерда саккиз юз нафардан зиёд ўғил-қиз спортнинг ўн тўрт тури бўйича ўз маҳоратини оширмоқда. Уларнинг орасида нафақат қашқадарёлик, балки Тошкент, Сурхондарё, Бухоро, Самарқанд вилояти ўғил-қизларининг ҳам борлиги, айниқса, қувонарлидир.

Қарши шаҳрининг шарқий минтақасида жойлашган мазкур коллежни чинакам спорт шаҳарчасига қиёсласа арзийди. Салкам 17 гектар майдонни ташкил этувчи Қарши Олимпия захиралари спорт коллежи замонавий ўқув хоналари, спорт заллари, муҳташам енгил атлетика манежи, сув спорти саройи, футбол майдонларига эга.

— Коллежнинг футбол бўлимида айни пайтда эллик олти нафар ўқувчи ўз маҳоратини оширмоқда, — дейди бўлим бош мураббийи Ўткир Холиқов. — «Олимпия» футбол жамоамиз ҳар йили вилоят биринчилигида муносиб иштирок этиб келмоқда. 2008 йилда футболчиларимиз Қашқадарё вилоят кубогига сазовор бўлишди. Мини футбол бўйича коллежимиз жамоаси республика биринчилигида ҳам муваффақиятли тўп суриб келмоқда. Иқтидорли шогирдларимиздан Бобур Тошев, Бобур Хўжаёров, Салоҳиддин Тўраевлар Қаршининг «Насаф», Руслан Муродуллаев Муборакнинг «Машъал», Улуғбек Элмуродов, Ҳусан Арзиқуловлар Ғузорнинг «Шўртан» жамоалари ўринбосарлари, Санжар Тўрақулов эса Тошкентнинг «Бунёдкор» жамоаси асосий таркибига қабул қилинган.

Спортнинг волейбол, енгил атлетика, кураш, дзюдо, эркин ва юнон-рум кураши, таэквондо (WTF), белбоғли кураш, сузиш турлари бўйича ҳам ўнлаб ўғил-қизлар Ўзбекистон ўсмирлар ва ёшлар терма жамоаларининг аъзолари ҳамда номзодлари саналишади.

— Асли Бухоро вилоятиданман, — дейди коллежнинг 2-босқич ўқувчиси Муҳриддин Панаев. — Ғиждувон туманидаги 42-мактабда ўқиганман. Болалигимдан кураш ишқибози эдим. Қишлоғимизда Одил Ҳақбердиев биринчи устозим бўлган. У кишининг тавсияси билан Қарши Олимпия захиралари спорт коллежига ўқишга кирдим. Бу ердаги мураббийлардан кўп нарса ўрганишга ҳаракат қиляпман. Яқинда ёшлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида 55 кг. вазн тоифасида бронза медалига сазовор бўлдим.

— Бу йил Сингапурда ёшлар ўртасида илк маротаба Бутунжаҳон ёзги Олимпия ўйинлари ўтказилади, — дейди дзюдо бўлими бош мураббийи Баҳодир Ҳожиев. — Ҳозир ўсмирлар ўртасида республика биринчилиги ғолиб ва совриндорлари Аббос Собиров, Баҳриддин Алланазаров, Бахтиёр Алматов, Рамазон Хайруллаев, Аброр Хонкелдиев сингари шогирдларимиз билан ана шу мусобақага тайёргарлик кўраяпмиз.

**Эркин ХОЛБОБО,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**Соғлиқни сақлаш бошқармалари, Давлат идоралари, ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!**

Андижон давлат тиббиёт институти 2009-2010 ўқув йилида таълим йўналишлари бўйича Давлат гранти ва тўлов-контракти асосида таҳсил олган битирувчиларни ишга тақсимлаш ҳақидаги маълумот.

**I. Магистратура йўналишлари бўйича:**

1.Акушер-гинеколог — 1 нафар бюджет ва 5 нафар тўлов-контракт Андижон вилоятидан, 3 нафар тўлов-контракт — Фарғона вилоятидан, 3 нафар тўлов-контракт — Наманган вилоятидан.

2.Жарроҳлик — 1 нафар бюджет ва 2 нафар тўлов-контракт Андижон вилоятидан, 2 нафар тўлов-контракт — Фарғона вилоятидан, 2 нафар тўлов-контракт — Наманган вилоятидан.

3.Кардиология — 1 нафар бюджет — Андижон вилоятидан, 2 нафар тўлов-контракт — Фарғона вилоятидан, 6 нафар тўлов-контракт — Наманган вилоятидан.

4.Ички касалликлар (терапия) — 1 нафар бюджет ва 1 нафар тўлов-контракт — Андижон вилоятидан, 2 нафар тўлов-контракт — Фарғона вилоятидан.

5.Болалар юқумли касалликлари — 2 нафар тўлов-контракт — Андижон вилоятидан, 1 нафар бюджет — Наманган вилоятидан.

6.Болалар жарроҳлиги — 1 нафар бюджет ва 7 нафар тўлов-контракт — Андижон вилоятидан, 2 нафар тўлов-контракт — Фарғона вилоятидан, 1 нафар тўлов-контракт — Бухоро вилоятидан.

7.Нейрожарроҳлик — 1 нафар бюджет ва 3 нафар тўлов-контракт — Андижон вилоятидан, 1 нафар тўлов-контракт — Фарғона вилоятидан.

8.Онкология — 2 нафар тўлов-контракт — Андижон вилоятидан, 1 нафар бюджет ва 1 нафар тўлов-контракт — Фарғона вилоятидан.

9.Тери-таносил —1 нафар бюджет — Фарғона вилоятидан.

10.Гематология — 1 нафар — Андижон вилоятидан.

11.Педиатрия — 1 нафар бюджет ва 5 нафар тўлов-контракт — Андижон вилоятидан, 1 нафар тўлов-контракт — Фарғона вилоятидан, 1 нафар тўлов-контракт — Наманган вилоятидан.

12.Қулоқ, томоқ, бурун (ЛОР) — 1 нафар бюджет ва 1 нафар тўлов-контракт — Фарғона вилоятидан

13.Невропатология — 2 нафар тўлов-контракт — Андижон вилоятидан, 2 нафар тўлов-контракт — Фарғона вилоятидан, 1 нафар бюджет ва 1 нафар тўлов-контракт — Наманган вилоятидан.

**II. Даволаш факультети бўйича:**

Андижон — 26 нафар бюджет, 63 нафар контракт
Фарғона — 45 нафар бюджет, 55 нафар контракт
Наманган — 14 нафар бюджет, 21 нафар контракт
Бухоро вилоят — 1 нафар контракт
Тошкент вилояти — 1 нафар бюджет

**III. Педиатрия факультети бўйича:**

Андижон — 31 нафар бюджет, 40 нафар контракт
Фарғона — 38 нафар бюджет, 21 нафар контракт
Наманган — 9 нафар бюджет, 1 нафар контракт

**IV. Олий малакали ҳамширалик иши бўйича:**

Андижон — 9 нафар бюджет, 40 нафар контракт
Фарғона — 1 нафар бюджет
Наманган — 8 нафар бюджет, 7 нафар контракт

**V. Тиббий педагогика факультети бўйича:**

Андижон — 3 нафар бюджет, 4 нафар контракт
Фарғона — 3 нафар бюджет, 2 нафар контракт
Наманган — 2 нафар бюджет.

# Тубанлик

## ёки Чорбакр ариғи бўйида содир этилган мудҳиш жиноят ва унга йўл очган шарт-шароит хусусида

Бухоро шаҳридаги новвойхонада ишлаётган Ўткир Сафаров нонларни сотиш учун «Дилкушо» деҳқон бозорига тез-тез қатнарди. Бир куни нон сотаётган, оёқ-қўли чаққон, кўҳликкина қизга унинг кўзи тушдию, ақлдан озай деди. Эндигина ўн олти ёшга тўлган қиз — Нигина Шарипованинг қалбига йўл топиш йўлларини ўйлай бошлади. Кунларнинг бирида қизнинг онаси Ўткирнинг олдига келиб, қизини ёнига ишга олишини сўради. Бунинг устига яқинда — 6 мартда Нигинанинг туғилган куни экан.



Хуллас, Ўткирнинг омади чопди. Туғилган кун баҳонасида қизнинг уйига борди...

Йигит Нигина билан учрашиб туришни канда қилмади. Нигина жуфтимни топдим, дея бахтиёр эди. Қизнинг ота-онаси оилага Ўткирдек куёв насиб қилганидан хурсанд эдилар.

Аммо шу орада новвойнинг бошқа қизга ишқи тушиб қолди. Унга «Фақат сенга уйланаман», деб ваъдани қуюқ қилди.

Қозон ёпиғлиғича қолмади. Нигина ҳам, бўлажак келин ҳам бир-бирига тўқнаш келди. Ўткир аросатда қолди. Вазият тобора таранглашиб борди: «Нима қилиш керак? Яхшиси ишдан бўшаб, Россияга кетиш!»

Ўткир шундай қилди.

Уч-тўрт ой деганда у Россиядан қайтиб келди. Ҳаётини қатъий изга солиш, пайдо бўлган чалкашликни ечиш ўрнига Меҳрангиз билан бўладиган никоҳ тўйига тайёргарлик баробарида Нигина билан яна эр-хотинлардек яшаб юраверди. Буни қарангки, никоҳ тўйи арафасида — 2007 йилнинг ноябрида Нигина Ўткирга ўғил туғиб берди. Декабрда эса Ўткир билан Меҳрангизнинг тўйи бўлиб ўтди. Кўнгилсизликлар яна авжига чиқди...

Ўзи «пиширган ош» — можароларидан чарчаган йигитнинг боши қотди. Ўтган йилнинг 5 май куни Ўткир Нигинага қўнғироқ қилди.

— Тез кийиниб, бекатга чиқ, — деди у. Ўғлимизга «Карвон бозор»дан кийим-кечак сотиб оламиз.

Бундан суюниб кетган жувон бир ярим яшар ўғли Исломни бағрига босиб, йўлга отланди: «Ҳарқалай, алимент тўлашдан бош тортган отанинг қалби юмшаган бўлса ажабмас, келишиб кетишлари ҳам мумкин-ку, ахир!»

Улар йўл-йўлакай бўлиб ўтган жанжалларга нуқта қўйиш ҳақида баҳслаша-баҳслаша шаҳар четидан оқиб ўтувчи Чорбакр ариғи бўйига келиб қолишди. Ўткир атрофга олазарак боқди. Ариқ бўйидаги қурилиши тугалланмаган бино унинг диққатини тортди. Ниятини амалга оширса бўлади. Хотинининг қўлидаги болани тахта устига ётқизиб, ўйнаб туриши учун қўлига «Нокия» телефонини берди. Сўнг бор кучини йиғиб, Нигинага ташланди. Чўнтагидаги рўмолни олиб, жувоннинг бўйнига солди...

Унинг жони узилмаганини кўриб, ерда ётган ғишт ва тош билан бошига кетма-кет урди. Мурдани судраб бино ичкарисига олиб кирди. Сўнгра ҳеч нарса кўрмагандек, боласини кўтариб ташқарига чиқди. У аввал Ғиждувон туманига, сўнг у ердан Навоий вилоятига борди. Ҳамма ерда одам гавжум. Бола кўтарган йигитга эса ҳеч ким парво қилмайди. «Қаерга ташлаб кетсам экан? Кел, яхшиси Навбаҳор туманига борай. Бу томонларда қишлоқлар бир-биридан ажралиб туради».

У шу хаёллар билан «Истиқлол» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Қурама қишлоғидаги тутзордан ўтган ариқ ичига болани қолдириб, жуфтакни ростлади...

Лекин бундай тубанликни очиш узоққа чўзилмади. Ўткир ҳибсга олинди. Суд ҳукми билан унга 19 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

— Тирноққа зор одамлар кўп, — деди судда кўрсатма берган Қурама қишлоғида яшовчи Саодат Тожиева. — Аллоҳнинг бундай бемеҳр, шафқатсизларга атаган жазоси бордир. Ахир, қайси ота бир ярим яшар болани ариқ ичига ташлаб кетади. Буни қарангки, ўша куни уйда эдим. Узоқдан боланинг йиғиси эшитилди. Ахтариб борсам, у лойга беланганича ётибди. Уйга олиб келиб ювинтирдим. Бирам ширинки...

— Биздан катта хато ўтди, — дейди судда Нигинанинг онаси З.Шарипова. — Биз ёшларнинг қонуний никоҳдан ўтиб яшашларига бефарқ бўлдик. Бир-бирини яхши кўриши, ўртада фарзанд борлигига ишониб келдик. Оқибати бундай бўлишини ким билади, ахир?

Шу ўринда бир мулоҳаза: Нигинанинг ота-онаси фарзандининг тақдирига бефарқ қараганини ҳеч ким инкор этолмайди. Аммо «Бунёдкор» маҳалла фуқаролар йиғинидагилар нега бу ҳолатга томошабин бўлиб келишди? Нега улар Ўткирнинг қонуний хотини Меҳрангиз Жумаеванинг мурожаатларига лоқайд қарашди? Ўткирнинг ота-онаси, оға-иниси кундошлар ўртасидаги маш-машалар олдида нега бепарво бўлди? Ўткирни тўғри йўлга бошлаш, муаммони ҳал қилиш учун наҳотки бир оқсоқол, бир кайвони топилмади?

Бундай саволлар кўп. Лекин жавоб топишдан фойда йўқ энди...

**Шуҳрат КАМОЛОВ,**
**жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят судьяси.**
**Даврон БАҲРОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-81
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg`onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG`ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 149
16201 nusxada bosildi
т — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni — 22.25
Topshirilgan vaqti — 00.30
1 2 3 4
Sotuvda erkin narxda